

Самарқанд муҳити Навоийнинг кўнглида муҳит бўлиб чиқди. Самарқанд — илм-фан шаҳри, шеърят шаҳри! Навоий Самарқанд таърифини ўзининг форс тилидаги бир газалида шундай келтиради (қуйида ушбу газалининг ўзбек тилидаги таржимаси берилмоқда):

*Самарқанд сайқали рўйи заминдур,
У меҳрим қилбаси — жонга яқиндур.
Шаҳар хокии тавоф этгай бутун эл,
Буюклар хоки бу — хатти жабиндур.*

*Унутмайму киши Кўҳақни ҳаргиз,
Суви лаззатли мисли анғубиндур.*

Самарқанд жилава қилгач олам узра,


ва назмга кўп илтифот қилур... Аҳмад Ҳожибек — шеър машҳурдур ва девони ҳам бор».

Навоийга Самарқандни ва Мовароуннаҳр шаҳарларини, у ердаги одатларни танитган ҳам ана шу Вафой — Аҳмад Ҳожибек бўлади. Мовароуннаҳр билан танишувлар Навоийнинг кейинчалик «Хамса»ни битишида жуда қўл келган, айниқса, «Садди Искандарий» дostonида шoir уз кўзи билан қурган воқани, унинг шаҳарларини алоҳида бир меҳр билан тасвирлаган.

Эллигинчи йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида ўқиб юрган кезларим буюк шoirимизнинг ижоди мени буткул ўзига тортиб олди. Бунда, айниқса, устозларим — академиклар Воҳид Абдулла ва Ботир Вали-

Тошкентдан Самарқандга борганда бир пиёла чой баҳона чойхона томонга бурилсам, у таг-туғи билан йўқ. Юрагим титраб кетди, болаликдан қадрдон бўлиб қолган чойхона ўрнида бир ҳовуч хароба қолган эди... Узимни жуда бошқача сездим. Ана шу воқеадан кейин «Навоий чойхонаси» номли шеър пайдо бўлди. Бугунги кун ўқувчиси ушбу шеър ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлсин учун уни тўла келтирсам:

*Регистон боғининг қуботшишида
Чойхона бор эди сўлим ва кўркам.
Миноралар посдон эди бошида,
Шoirини эсларди уни бир кўрган.
Нақшини пештоқиға шoir газали
Зарҳал ёзув билан ўйлаган эди.
Бўйсин дея унинг қўри, сайқали,*



Она шаҳрим Самарқандга ҳар сафар борганимда ёшдигим, йигитлигим ўтган шаҳардаги қадрдон хиёбон мени ўзига чорлаётгандек бўлаверди. Хиёбон бошидаги ҳазрат Навоий ҳайкали қошида таъзим бажо айлаб, кейин таниш тераклар, чинорлар қуршовидаги хиёбон бағрига сингиб кетаман... Шунда хиёбондаги ҳар бир япроқ, ҳар бир гул Навоийдан шабадалар қўйнида газал ўқитгандек туюлади:

*Ва лекин бу рудеки дерлар «Кўҳақ»,
Ки, йўқ, рағзининг наҳри арқонига шак...
Анинг ёнида шаҳр қилди били —
Ки, ултурмасин анга гарди фано.
Скандар атади Самарқанд они,
Самарқанди фирдавсмонанд они.*

Ўзи ҳақида шундай гўзал байтлар битган, фирдавсмонанд деб атаб, унга гард ҳам қўнишини истамаган шoirини Самарқанд ҳам ҳеч қачон унутмади. Ҳатто мустаҳаб Шуролар тузуми даврида ҳам Навоийнинг хурмати жойига қўйилди. Шoirнинг 500 йиллик тўйи муносабати билан Самарқанд Давлат университети унинг номи билан аталди. Даҳо шoirнинг 525 ва 550 йиллик тўйлари муносабати билан шаҳарда шoirнинг салобатли ҳайкали, музейи бунёд этилди. Хали бу шаҳарда буюк шoirимизнинг 600 йиллик, иншооллоҳ, 1000 йиллик тўйлари нишонланажак. Навоий даҳоси эса асрлар оша авлодларнинг ҳар қандай чигал саволларига «лаббай» деб жавоб беражак! Чунки Алишер Навоий «Хамса»сининг тамал тоши Самарқанди азимда — ер юзининг сайқали бўлган муқаддас шаҳарда қўйилгандир. Самарқанд сайқали Навоий даҳосига ёруғлик бериб турибди. Навоий даҳоси эса Самарқандни мунаввар этмакда. Самарқанд ва Навоий — Ватан ва Миллат рамзидир!

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

Алишер Навоий Ва Самарқанд

*Жаҳон аҳлини нидоси — офариндур.
Асар дунё узук бўлса, Самарқанд
Узукка ҳусн ато қилган нигиндур.*

*Газал сўз бўлади, алҳақ, ва лекин
Самарқанд лафзи андин нозаниндур.*

*Адо бўлмас Самарқанд
мадҳи Фойий,
Ахир у сайқали рўйи заминдур.*

Айниқса, Навоийнинг Самарқанд шаҳрининг ҳоқими Аҳмад Ҳожибек билан дўстлашуви шoirга кўп нарсалар берди. Бу ҳақда Навоий «Маҷолисун-нафос»да шундай ёзди: «Аҳмад Ҳожибек — Султон Малик Кошғарийнинг-ким, замоннинг бебадалларидан (тенгсиз кишиларидан) эрди, ўғлидир. Ва «Вафой» таҳаллус қилур. Сурати хуш ва сийрати (хулқи, ички дунёси) дилкаш, ахлоқи ҳамида (гўзал) ва атвори писандида (мақбул, ёқимли) йигитдир. Харосонда тарбият топти. Ҳирот дорус-салтанасида ўн йилга яқин ҳукумат қилди ва Самарқанд маҳфузасида (қўрғонда, шаҳрида) ҳам муддате ҳоким эрди ва бир қари (уттиз йил) бўла бордиким, истиқлол била аморат (амирлик) ва истокдор (маҳкам, садоқат) билан подшоҳига (Хусайн Бойқарога) коёбот (ўринбосарлик, маҳаллий ҳокимлик) қилладурким, ҳеч киши андин бир номулоийм нимақим, мужиби эътироз бўла олмай, нақл қилмайдур. Бовужуд бу бекнинг синоҳийликда (ҳарбий хизматда) жалолат (жасурлик) ва баҳодурлигини, ҳар кишиниким танир, мусаллам тутар. Ва таъби бағоят хуб (истеъдодли) воқеъ бўлуртур

хўжаевнинг хизматлари катта эди. Буларнинг ҳосиласи ўлароқ кейинчалик ҳазрат Навоий ҳақида тўрт китобдан иборат «Навоийнома» юзага келди ва у Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат муҳофизотида лойиҳа деб топилди. Ҳазрат номидаги мукофот соҳиби эка-

Навоий сурати қўйилган эди.

*Бир пиёла кўк чой ичиб одамлар,
Варақлашар эди тарих дафтарики.
Утмиши билан ҳозир*

*Шеър билан ёзарди учрашган дамлор,
Шеър билан ёзарди кўнгли дардларини.*

*«Хамса»ни ёд билан хоксор чоллар,
Сўхбати кетарди етти иқлимдан.*

*Гўёқ хотирамда шеърый хаёллар
Ушанда жой олди менинг дилимдан.*

*Энди на боғ қолди, на чойхона бор,
Чор атроф шип-шишон...*

*Тушимми, ўнгим?
Елғиз осмон ўпиб мадраса, минор,
Сукут сақлаб менга термулади жим.
Қани, шеър баҳсию сўхбат маскани?
Нечун вайрон бўлди чоллар гўнаси?
Дарахлар қалбидан оқизди қонин
Қайси бир «донини»нинг ўтмас тешаси?*

*Ҳазрат Навоийдан қадимий ёдгор
Чойхона устунини ташиб кетди ким?
Газаллар битилган нақшинкор болор
Қай гўшада кўз ёш тўқади юм-юм?*

*Ногаҳон қаршимда бўлгандай пайдо
Менга хитоб қилди чойхоначи чол:
— Бўтам, даро чекишинг*

*Энди бефойда,
Уни қайта тиклаб бўлмайдим аҳлоқ.*

*Қалбимни тилкалар шу гамгин садо,
Айрилиқ дардига бардош берар ким?
Буюк бир санъатчи ўқиб авлодо,
Регистон тунуда мунғаяр қалбим.*

Йиллар ва йўллар

нимдан, албатта, ичдан қувонаман.

Менинг элимизга, озми-кўпми, шoir сифатида танилишим ҳам бевосита ҳазратнинг номи билан боғлиқ бўлган. 60-йилларнинг бошида «Навоий чойхонаси» номли шеърим матбуотда эълон қилинган, сўзининг қудратини янгидан ҳис қилгандай бўлдим. Шеърнинг тугилиши шундай кечган. Самарқанд Регистонда салобатли нақшинкор Навоий чойхонаси бўларди. Чойхона ҳазрат Навоийнинг 500 йиллик таваллуди муносабати билан барпо қилинган бўлиб, теварати гулзор, устунлари ёғоч ўймакорлигининг гўзал намунаси эди. Ички деворига ҳазрат Навоийнинг нури сиймоси туширилган, чорпойлар ҳам шарқона, қозонларда етмиш икки томирингги жунбушта келтирадиган шўрва, палов, Самарқанд нўхоти. Чойхонанинг бир бурчагида газета-журналларнинг янги сонлари, шахмат-шашка столи ҳам мавжуд эди. Қўйинг-ки, бу ер фақат чойхона эмас, балки, файзли бир маланий маскан ҳам эди. Яна бир муҳим жиҳати чойхоначи ота қадрдон эди, у кишини кўрсам, худди отамни кўргандек бўлардим. Бир вақт

Хўшнудлик Мен сиздан шифо топдим


Кўп йиллардан буён мамлакатимизнинг турли сўхат-гоҳларида даволаниб келаман. Бу сафар Тошкентдаги республика Тиббий тиклиниш ва физиотерапия илмий-таълим институти шифохонасида муолажалар олдим. Сўхат-гоҳнинг овози ва шинам ҳовли-боғлари, саришталлиги киши кўнглига алланечук хотиржамлик бағишлайди. Ҳар қандай дори-лармондан устун бўлгучи ширин сўз ва хўшмуомаллик эса сўхатгоҳнинг раҳбаридан тортиб, олдий ходимларигача — ҳаммага хос фазилат экан. Ҳаётий тажрибамдан шуни айта оламаник, қайси жамоада раҳбар ўз вазифасига сиққилдан ёндошса, уша жойда тартиб-интизом, иш унуми бўлади. А.Алавий, Ш.Хидировлар раҳбарлик қилаётган бу даргоҳда худди шундай манзаранинг тувоҳи бўлдим.

Кексайиб, ёшим 80 га боргач, касаллик ўз кучини кўрсата бошлади. Қон босимининг ўйноқлиги, кўз нурининг гўбор босиши, парижонхотирликдан азият чека бошлагандим. Бу ердаги даволочи шифокорлар О.Алимова, Э.Қурбанов, ҳамширалар Г.Қориева, М.Раҳимхўжаева, М.Тўхтаева сингари ўз касбининг фиойларидан, айниқса, миннатдорам.

Шунингдек, беморларга мазади ва тўйимли овқатлар тайёрловчи ошпазларнинг ҳам қўли дард кўрмасин, илоё, Халқ саломатлиги йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган шифокорларни кўрганда Ибн Синолар юртининг фуқароси бўлганимдан беҳад шодлик ҳисси кўнглимни чулғаб олади. Оппоқ кийимига гард юқтирмайдиган ана шундай инсонларга Яратганининг ўзи қучқуват бераверсин.

Бекмирза САЙТНАБИЕВ,
Косон тумани.

Контрабандага йўл йўқ!



Сифатсиз маҳсулот — эгасиз маҳсулот

Мамлакатимизда унинг ҳудудига сифатсиз маҳсулотларнинг ноқонуний кириб келишининг олдини олиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунки сифатсиз маҳсулотлар — эгасиз маҳсулотлар бўлиб, уларнинг истеъмолга ароқчилигига ҳеч қим қафолат бера олмайди, аксинча, иқтисодийтимизга катта зарар келтиради. Шу боис Сурхондарё вилояти сиюв ва сертификатлаштириш маркази ходимлари ҳам бу борада изчил иш олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: «Устандарт» агентлигининг бўлим бошлиғи Қобилжон Ваҳобов ва марказ ходими Мавлудхон Бозорбоева қундалик маълумотларни таҳлил қилмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

COSCOM

Севимли рақамингизни
Севимли рақамингизни
танлаб олинг!
танлаб олинг!

Битта шаҳар ва бешта мобиль
телефон рақамига арзон нарҳда
кўнғироқ қилишингиз мумкин

WWW.COSCOM.UZ

Тел.: 180 00 00, 181 00 00, 182 00 00.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

